

# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 18 сентябрь, № 194 (7424) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# САНОАТДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА КООПЕРАЦИЯНИ КЕСКИН КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 сентябрь куни саноатни жадал ривожлантириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва кўламини кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилаётгани, ташқи савдо ва валюта операциялари эркинлаштирилгани натижасида соғлом рақобат муҳити, ҳақиқий бозор иқтисодиёти шаклланмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон саноатини замон талаблари асосида ривожлантириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юқори қўшилган қиймат яратишга йўналтирилган саноат сиёсатини юритишимиз зарур. Мавжуд хом ашё ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш ва кўламини кескин кенгайтириш ушбу саноат сиёсатининг негизи бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентнинг жорий йил 24 августдаги қарорида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш белгиланган эди. Йиғилишда ушбу тизимнинг самарали ишлашини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди. Маҳаллийлаштиришни кенгайтиришга қаратилган энг муҳим йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Тармоқлар ва йирик корхоналарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда саноат кооперациясини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинар экан, жорий йилнинг ўтган даврида янги лойиҳалар доирасида бор-йўғи 1 миллиард долларлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилгани қониқарсиз деб баҳоланди. Бу борадаги ишлар суст ташкил этилган "Ўзмахсусмонтажқурилиш" акциядорлик компанияси, "Ўзёғмойсаноат" уюшмаси, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти каби корхоналар фаолияти танқид қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1 майдаги "Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича амалий чоралар кўриш, электрон кооперация порталини тезроқ ишга тушириб, саноат маҳсулотлари етказиб бериш шартномаларини электрон тузиш кўламини кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Ҳудудларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кескин кенгайтириш ва чуқурлаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Жорий йилда ҳудудий импорт ўсиши тармоқлардагига нисбатан 2 баробар юқори бўлиши кузатилмоқда. Бу ҳудудларда ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш учун катта эҳтиёж борлигини яққол кўрсатади. Масалан, яқинда соҳа вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тўртта шаҳарга бориб, Ангренда 38 та, Навоийда 13 та, Наманганда 29 та ва Чирчиқда 18 та янги маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантирди.

Шу тартибда ҳар бир ҳудуд бўйича маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Ер майдонлари, тайёр бинолар ва инфратузилмага эга бўлган кичик саноат зоналари бу борада катта имконият яратади. Лекин юртимиздаги 156 та ана шундай зонадаги лойиҳаларнинг атиги 13 фоизи маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. 80 та шаҳар ва туманда бирорта ҳам мазкур турдаги ҳудуд ташкил қилинмаган.

Мутасаддиларга барча кичик саноат зоналарида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳаларини кўпайтириш, ўша 80 та шаҳар ва туманда шундай зоналар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Импорт қилинаётган технологик ускуналардан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Чунки жойларда четдан валютага олиб келинган технологиялар ишлатилмай турган кўплаб ҳолатлар аниқланган. Бунга ер ажратиш, қурилишга рухсат бериш, коммуникация тармоқларига улаш каби масалалар тўсиқ бўлган.

Давлатимиз раҳбари ускуналар харид қилган тадбиркорлар муаммоларини тезда ҳал этиш, режалаштирилган корхоналарнинг ишлаб кетишига кўмаклашиш бўйича қатъий топшириқлар берди. Бизнес-омбудсманга импорт қилинган технологик жиҳозларни ишга туширишгача бўлган барча жараённи туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасида мувофиқлаштириш тавсия этилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда етакчи бўлган йирик лойиҳаларни ўз муддатида амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, "Навоийазот" негизида 100 минг тонна поливинилхлорид, Тошкент металлургия заводида 500 минг тонна металл прокати, Шўртан газ-кимё мажмуасида 744 минг тонна дизель ёқилғиси, Тошкент механика заводида маиший техника ишлаб чиқариш кластери, "Кварц", "Сирдарё Гласс" ва "Зарафшон ойна" корхоналарида ойна ишлаб чиқариш лойиҳалари йилига 2,5 миллиард доллар миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, уларнинг атрофида бошқа кичик ишлаб чиқаришлар ҳам ривожланади ва янги иш ўринлари яратилади.

Бош вазир ва Ҳисоб палатаси раҳбарига ушбу йирик лойиҳаларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маҳаллийлаштиришни қўллаб-қувватлаш масаласи кўриб чиқилар экан, бундай лойиҳаларни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кафиллик бериш ва кредит фоиз ставкасини қисман қоплаш тизимидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, божхона тўловларини 120 кунгача узайтириб тўлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирган корхоналарнинг тайёр маҳсулотларини сертификатлаш ва стандартлаштириш масалаларида кўмаклашиш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Давлат харидларида маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш ва рағбатлантириш, ташқи савдони тариф усули билан бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича ҳам устувор вазифалар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

**ЎзА.**

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

# ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ўтказилган учрашув шу мавзуда бўлди.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг АҚШнинг Халқаро эътиқод эркинлиги комиссияси махсус вакили Надин Мэнза бошчилигидаги делегация билан учрашувида эътиқод эркинлиги, динлараро ҳамда конфессиялараро тотувликни таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича фикр алмашилди.

Мулоқот давомида кейинги йилларда Ўзбекистонда виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга ижобий баҳо берилди. Ўтган йилда Олий Мажлис томонидан БМТ Махсус маърузачиси тавсиялари инобатга олинган ҳолда, эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинган эди. Айни пайтда қонун ҳужжатларининг эътиқод қилувчилар ҳуқуқларини таъминлашга доир қисмини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мослаштириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Биринчи навбатда, дин соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва эркинлаштиришга эътибор қаратилиб, диний адабиётларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш учун рухсат олиш тартиб-таомиллари соддалаштирилди. Диний ташкилотларни давлат томонидан рўйхатга олиш тартиби янада мақбуллаштирилди.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун ўтган 20 йилда илк бор қайта кўриб чиқиляпти. Бу жараёнга халқаро экспертлар жалб қилинаётгани, қолаверса, мамлакатимиз дин соҳасидаги сиёсати конфессиялараро мулоқотга йўналтирилгани ҳамда диний бағрикенгликни назарда тутиши юксак баҳоланди.

Якунда томонлар эътиқод эркинлигининг долзарб масалалари юзасидан мулоқотни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

*Шунингдек, Франция Республикасининг Марказий Осиёдаги иқтисодий дипломатия бўйича вазирининг махсус вакили Паскаль Лоро бошчилигидаги делегация билан бўлиб ўтган учрашувда иқтисодиёт ва икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш юзасидан сўз юритилди.*

# ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИҲАЛАР БИРГАЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Франция Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим сиёсий ва иқтисодий ҳамкорларидан бири экани қайд этилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга 2018 йил октябрдаги расмий ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида молиявий-техник кўмак воситаларини, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини ривожлантиришга жалб қилиш соҳасида комплекс ишлар олиб борилмоқда.

Иситиш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистонда гидроэлектростанцияни ривожлантириш ва хусусий сектордаги лойиҳаларни молиялаштириш ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари сифатида белгиланди.

Томонлар иқтисодиёт йўналишига дахлдор бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

## Кун воқеалари

**қисқа сатрларда**

● Навоий вилоятининг Конимех туманида "Конимех — Қизилқум шубат" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган экотуризм маркази иш бошлади. Тадбиркор Азамат Элмуродов ташаббуси билан 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига бунёд этилган мазкур марказ бир вақтнинг ўзида 3 минг нафардан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатиш имконига эга.

● **Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари учун барпо этилган 48 хонадондан иборат янги уй фойдаланишга топширилди.**

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қоракўл мактаби асосчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев номидаги математика олимпиадаси ўтказилди. "Қоракўл зиё" ўқув маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фан олимпиадасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 1200 га яқин мактаб ўқувчилари қатнашди.

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази кутубхонасида сақланаётган ва янги келтирилган китоблар тақдимоти ўтказилди. Унда хориждан келтирилган янги китобларнинг мазмун-моҳияти, илмий аҳамияти, асарларда илгари сурилган эзгу ғоялар тўғрисида атрофлича маълумот берилиб, мазкур китоблар хазинаси халқаро марказ тадқиқотчилари учун буюк алломаларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этишга хизмат қилиши таъкидланди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

**Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари**

# МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДЛАРИ

## ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШИ, ЧУҚУР БИЛИМ ВА ЗАКОВАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗ РАВНАҚИДА МУҲИМ БУРИЛИШ ЯСАЙДИ




Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

*Тараққиётга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг бир қатор шартлари мавжуд. Энг аввало, жамиятдаги турли иллатлар — бефарқлик, коррупция ва адолатсизликларга барҳам бермай туриб кўзланган улуғвор мақсадларга эришишнинг имкони йўқ.*

*Яна бир муҳим масала борки, у нафақат мамлакат, балки миллатнинг эртанги тақдири билан боғлиқ. Президентимиз бот-бот такрорлаётганидек, таълим биз учун ё ҳаёт, ё мамот масаласидир. Жорий йилнинг 23 август куни умумтаълим мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, ўқитувчилар обрўсини кўтариш, мамлакатимизда таълим тизими ва унинг салоҳиятини янада ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари бу ҳақиқатни яна бир бор таъкидлади.*

➡ 2

**Муносабат**

# ТЎЙЛАР КАМХАРЖ БЎЛСА, БУНДАН ЎЗИМИЗ ФОЙДА КЎРАМИЗ

*Олий Мажлис Сенатининг ўтган ҳафта охирида бўлиб ўтган йигирма иккинчи ялпи мажлисида "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги парламент палаталари Кенгашларининг қўшма қарори кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Бу юртдошларимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Қуйидаги фикр-мулоҳазалар ушбу ҳужжатнинг муҳим аҳамиятга эгалигини тасдиқлайди.*

**Иқбол МИРЗААЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси:**

— Очиғи, тўйлар билан боғлиқ муаммолар юртимизда бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бундан юз йил аввал маърифатпарвар боболаримиз халқимиз тараққиётига ғов бўлаётган иллатлар ҳақида сўз юритганларида, албатта, тўйлар тўғрисида ҳам куюниб гапирганлар. Беҳбудий таъбири билан айтганда, тўй ва аза исмидаги бу икки қаттол душман ҳаётимизга эгов, оёғимизга тушов бўлиб келаётгани бор гап.

Дарҳақиқат, тўй-ҳашам, ортиқча дабдаба, исрофгарчилик каби ҳолатлар асрлар давомида бизни тараққиётдан ортга тортиб келяпти. Қайд этиш жоиз, бу масалага 2018 йилдан жиддий эътибор қаратилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганди.

➡ 2

# ТИЛИ БИРНИ ТИШ АЖРАТОЛМАС

*Жаҳон илм-фани, хусусан, ўзбек, япон, хитой олимлари томонидан сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар куч, қудрат, етуклик, улуғворликни англатувчи "турк" атамаси бундан камида 3000 йил бурунги битикларда тилга олинганини исботламоқда. Биз туркий халқларнинг келиб чиқиш тарихимиз эса ундан-да қадимийроқдир. Туркий тилшунослик илмини ўн биринчи асрдаёқ бошлаб берган, "Девону луғотит турк" асари билан бутун дунёда шуҳрат қозонган Маҳмуд Кошғарий туркийларга кўркамлик, ёқимлилик, одоблилик, катталарга ҳурматда бўлиш, сўзининг устидан чиқиш, камтарлик, ботирлик хослигини алоҳида урғулаб ўтган.*

**Ҳамжиҳатлик**

Туркий халқларнинг кишилик тарихидаги ўзига хос ўрни ва улкан таъсирини ҳеч ким инкор этолмайди. Алп Эр Тўнга (Афросиёб), Томир хотун (Томирис), Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Сароймулкхоним (Бибихоним), Султон Сулаймон сингари буюк шахсларни билмаган, улар ҳақида эшитмаган киши камдан-кам топилса керак. Шу билан бирга, туркий халқларнинг кишилик тарихидаги куч-қудрати, етуклик ва улуғворлиги ўтмишдаги буюк давлат арбоблари, саркардалари, салтанатлари билангина эмас, балки, энг аввало, ўз юртлари баробарида бутун инсоният юксалиб боришига тенгсиз ва улкан улуш қўшган олиму фозиллар истеъдоди ва меҳнати орқали белгиланади, десак, адашмаймиз.

➡ 3

БИЗ ва ЖАҲОН

Ўзбекистон — Тожикистон:

# ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

*Тошкентда 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши аппарати ўртасида икки томонлама маслаҳатлашув бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Махмудов ва Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби Маҳмадали Ватанзода раислигида ўтган маслаҳатлашув чоғида икки томонлама олий даражадаги ташрифлар, Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланиши узоқ муддатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда ижобий таъсир кўрсатгани қайд этилди.

Икки давлат раҳбарларининг қатъий иродаси туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун билан бойиб, юқори даражага кўтарилди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон — Тожикистон маслаҳатлашуви механизми икки давлат ўртасидаги яқин қўшнилик, дўстлик ва ҳамкорликни изчил ва жадал суръатларда ривожлантиришдек умумий мақсадга хизмат қилиши, фуқароларимиз манфаатларига мос келиши, ўзбек ва тожик халқларининг тинч ҳаёти, фаровонлигини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

Маслаҳатлашув минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё давлатлари изчил тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасида хавфсизлик соҳасида турли даражадаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, келажакда шартномавий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва биргаликдаги амалий ҳаракатларни ривожлантиришга тайёр эканликларини тасдиқлади.

Маслаҳатлашув чоғида экстремистик ва террорчилик фаолиятига қарши биргаликда ҳаракат қилиш соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий механизмларини такомиллаштириш, чегаравий хавфсизликни таъминлаш ва умумий давлат чегараларида иқтисодий манфаатларни муҳофаза қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш бўйича умумий ташаббуслар ва тавсиялар ишлаб чиқилди, ўзаро муносабатлар ривожидаги юқори суръатни сақлаш, ушбу жараённи мавжуд салоҳият, фойдаланилмаган имкониятлар ҳисобига янада жадаллаштириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Икки томонлама маслаҳатлашув якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши аппарати ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутувчи Протокол имзоланди.

Ўзбекистон — Россия:

# ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕНГАЙТИРАДИ

*Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, фаол ташқи сиёсат юритиш мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи муҳим омил саналади. Кейинги йилларда бу амалиёт ўзининг аҳамиятини намоён қилиб, халқимиз фаровонлиги, тинч ва осуда ҳаётини таъминлашга ҳамда юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида очиқлик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият самарадорлигини янада ошириш чораларини кўриш лозимлигини таъкидлаган эди.*

## Депутат фикри

Бу жараёнда парламентнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Шу боис “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури доирасида мамлакатимиз ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал қилишда парламент дипломатияси ролини кучайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар олиб борилаётгани эътиборга молик.

Ҳозирги вақтда етакчи хорижий давлатлар, аввало, МДҲ давлатлари билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Натижалар ҳам шунга яраша бўляпти, албатта. Зотан, парламентлараро алоқалар томонларнинг ўзаро позицияларини яқинлаштиришга, давлатлараро алоқаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига замин яратади.

Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат думаси раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга расмий ташрифи ва унинг натижасида қабул қилинган икки томонлама шартнома мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни навбатдаги муҳим босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат думаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосан, парламентларимиз ўз қўмиталари ва комиссиялари, депутатлик гуруҳлари, девонлари ўртасида доимий алоқалар ўрнатилишига кўмаклашади, парламент фаолиятини ўрганиш мақсадида делегациялар билан тажриба алмашади. Бу, ўз навбатида, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бунда қонун лойиҳаси фаолияти таъминотини яхшилаш, ахборот-таҳлилий имкониятларни кенгайтириш ва кўпайтириш мақсадида тегишли ахборот технологиялари билан алмашиш борасида, жумладан, ахборот узатиш телекоммуникация тизимлари базаси асосида ҳамкорлик олиб боради. Бу нафақат парламентларимиз депутатлари, балки девонларининг мутахассислари ўртасида ҳам амалга оширилади.

Муносабатлар фақатгина қонун ижодкорлиги соҳаси билан чегараланмай, бошқа муҳим, яъни ўзаро манфаат касб этувчи халқаро масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш, халқаро ташкилотлар ва конференциялар доирасидаги йўналишларда олиб борилади.

Яқин орада ишлаб чиқиладиган аниқ чора-тадбирлар, режалар ўз натижасини намоён этиши, шубҳасиз.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ТЎЙЛАР КАМХАРЖ БЎЛСА, БУНДАН ЎЗИМИЗ ФОЙДА КЎРАМИЗ

1

Мазкур ҳужжатларда масъулият, асосан, жамоатчилик, ҳудудлардаги комиссиялар зиммасига юклатилганди. Афсуски, натижа кутганимиздек бўлмади. Ўша пайтда дабдабалар бир оз пасайган бўлса-да, бугун яна ўша-ўша бачканалик, манманлик, пул сочиш, қатор-қатор машиналарда сайр қилиш ҳолатлари авжига чиқди.

Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган қарор ушбу масаланинг бугун нақадар долзарблигини кўрсатади. У билан мутасадди вазирлик ва идоралар зиммасига тўй ва бошқа маросимларни ихчам ўтказишни таъминлаш масъулияти юкланди.

Қарорда белгиланган талаблар ижроси тўлиқ таъминланиши назоратга олинса, ўйлаймизки, тўй ва бошқа маросимларимиз мақсадга мувофиқ ихчам ўтади.

**Омонулла МУТАЛОВ,**
**Чилонзор туманидаги “Чилонзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Тўғрисини айтганда, тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда анча-мунча муаммо йиғилиб қолган эди. Масалан, ўзим маҳалла раиси сифатида тўй-ҳашамларни ихчамлаштириб ўтказиш ҳақида айтганимда, тўй бизники, уни қандай ўтказишни ўзимиз биламиз қабилидаги жавобни эшитган пайтим ҳам бўлган. Бунинг устига кўпчилик одамлар тўйга бир-икки кун қолганда айтади. Табиийки, ҳамма нарса тўйга шай қилиб қўйилган: тўйхона, ошнинг қанчалиги, нечта машина бўлиши. Бундай вазиятда қандай аралашасан?..

Сенат ялпи мажлисида шу масала кўрилгани ва аниқ тўхтамга келингани айни муддао бўлди. Эндиликда тўй-ҳашамни ўтказувчи шахслар бир ҳафта олдин яшаш жойидаги фуқаролар йиғинларини хабардор қилади. Қолаверса, келин-куёв учун 3 тадан кўп бўлган енгил автомашина ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланиш, миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид турли шоуларни, қўшимча расм-русумларни ўтказишга йўл қўйилмайди. Буларнинг барчаси айни кўнглимиздаги иш бўлди. Ана энди раислар шу талаблар асосида қаттиқ иш олиб боришлари мумкин. Тез орада натижалар кўзга ташлана бошлашига ишонаман.

**Фароғат ШОКИРОВА,**
**меҳнат фахрийси (Самарқанд шаҳри):**

— Тўй ва маъракаларни тартибга солиш бўйича янада жиддийроқ ҳаракат бошланганини, бу борада тегишли қарор қабул қилинганини эшитиб, рости, жуда хурсанд бўлдим. Битта мен эмас, кўпчилик “Хайрият, шу иш яхши бўптида” деяпти. Чунки тўйларимизда ҳаддан зиёд ортиқча расм-русум, шуҳратпарастлик, кимлигини кўрсатиб қўйишга уриниш кучайиб кетдики, ҳатто шароити мундайроқлар ҳам “Фарзандим ўксимасин”, “Одамлар нима дейди?” дея ўзи истар-истамас ана шу жараёнга қўшилиб кетяпти. Натижада нима бўляпти? Зўрбазўр тўй қилиб, қарзга ботяпти. Қарзини вақтида қайтаролмай таниш-билиши, қариндош-уруғи билан сан-манга боряпти. Вазиятдан қандай чиқишни тополмай, охир-оқибат мажбур бўлиб, чет элга ишлашга кетяпти... Кўряпсизми, битта тўй ортидан қанча ташвиш келиб чиқяпти?! Бизга шу керакми, шу ярашадими?!

Янгидан-янги ўйлаб топилаётган “қилиқ”ларни айтмайсизми?! Кўриб, эшитиб, ёқангни ушлайсан. “Тавба, қаёққа қараб кетяпмиз ўзи?” дейсан. Масалан, бизнинг Самарқанд шаҳридаги айрим никоҳ тўйларида келин-куёвнинг “антиқа вальс”га тушиши, рақс вақтида чироқлар нурини пасайтириб қўйиш, гоҳида ўчириб-ёқишлар, баъзи йигитларнинг тўйдаги раққосалар билан ҳаёсиз қилиқлар қилиши, келин-куёвнинг устидан пул сочишлар учрайдики, бу қадриятларимизга мутлақо зид. Ёш йигит-қизларнинг келин-куёвни табриклаш баҳонасида уларнинг ёнига бориб, спиртли ичимлик истеъмол қилишичи?! Бунга мутлақо бефарқ қараб бўлмайди. Бунинг олдини олиш, қадриятларимизни асраб-авайлаш учун биз, катталар ҳам курашишимиз, тарбияга жиддийроқ аҳамият қаратишимиз керак. Сабаби шундай кетаверса, оқибати яхши эмас.

Шу жиҳатдан, тўй-ҳашам ва маъракаларни тартибга солишга қаратилган қарор билан бундай дабдабабозликка чек қўйилади, жамиятда ижтимоий адолат таъминланади, деб ишонамиз.

**«Халқ сўзи».**

Тошкент — Анқара:

# ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Туркиянинг Анқара шаҳри ҳокими Мансур Яваш бошчилигидаги делегация юртимизда бўлиб турибди. Ташриф доирасида Тошкент шаҳри ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев делегация аъзолари билан учрашди.*

Мулоқот давомида икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари юқори босқичга кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркияга ташрифи давомида 30 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 3,5 миллиард долларлик битимлар имзоланди. Икки томонлама алоқалар изчил ривожланмоқда.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция алоқалари кенгайиб бораётган айни пайтда Ўзбекистонда 500 га яқин турк фирма ва компаниялари фаолият юритмоқда, ўзаро савдо айланмаси 2 миллиард долларга етган.

Икки давлат муносабатларида Тошкент ва Анқара шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Айни ҳамкорликнинг янада тараққий этишидан ҳар икки томон манфаатдор.

16 сентябрь Тошкент ва Анқара шаҳарлари муносабатлари тарихида унутилмас кун бўлиб қолади. Шу куни икки шаҳар раҳбарлари қардошлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилувчи муҳим ҳужжат “Биродарлашув алоқаларини ўрнатганлик ҳақида”ги меморандумни имзолади.

Тошкент шаҳри ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев азалдан дўст, ҳамфикр бўлган икки давлат, икки шаҳар ўртасидаги алоқалар истиқболида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжат иқтисодиёт, саноат, шаҳарсозлик, санъат, маданият ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Мансур Яваш Анқара шаҳрида Ўзбекистон номли 3 та, Тошкент деб юритилувчи 12 та, Самарқанд номли 8 та ва Бухоро деб аталувчи 11 кўча борлигини айтиб, ўзаро дўстлик ва биродарлик тимсоли сифатида Тошкентдаги кўчалардан бирини Анқара деб номлаш таклифини билдирди.

Анқара шаҳри ҳокими Мансур Яваш бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф давомида шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, пойтахтимиз тарихи, тараққиёти ва бугунги куни билан яқиндан танишди.

**Ғ. ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДЛАРИ

## ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШИ, ЧУҚУР БИЛИМ ВА ЗАКОВАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗ РАВНАҚИДА МУҲИМ БУРИЛИШ ЯСАЙДИ

1

Қолаверса, бугун мамлакатимиз аҳолисининг салкам 50 фоизини 18 ёшгача, 60 фоиздан кўпроғини эса 30 ёшгача бўлган навқирон авлод вакиллари ташкил этади. Шу боис ҳам Президентимиз ёшлар масаласига бежиз катта эътибор қаратмаяптилар. Бугунги кунда шахсан давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари асосида таълимнинг тамал тоши — мактабгача таълим соҳасида амалга оширилаётган улкан ишлар, 11 йиллик таълим тизимига ўтилгани, ўқитувчиларнинг жамиятимиздаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қаратилган тарихий ислоҳотлар юқоридаги фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Келинг, бу ҳақда атрофлича тўхталсак. Бола асосий кўникмани жуда ёшлигидан олади. Шунинг учун мактабгача таълим бугунги кун талабларига жавоб берадиган тизим сифатида шакллантирилиб, алоҳида вазирлик ташкил этилди.

Эътироф этиш керакки, бу борада олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида сўнгги уч йил давомида мактабгача таълим муассасалари (МТМ) сони икки баробар ортди. Агар 2017 йилда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 2 миллион 541 минг нафарни ташкил этган бўлса, улардан 678 минг нафари (27 фоизи) МТМга қамраб олинган. 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 1 миллион 66 минг нафарга (40,5 фоиз) етди.

Мазкур соҳага малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги “Мактабгача таълим учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, республикамизнинг 97 та педагогика коллежи Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Энг асосийси, мактабгача таълим муассасаларининг нафақат ташқи қиёфаси, балки бу ердаги таълим жараёнининг мазмун-моҳияти ҳам тубдан ўзгартирилмоқда. Мақсад — бола мактабгача таълим муассасасида чуқур билим олиб, тайёр ҳолда мактабга борса, ўзлаштириши осон кечади. Мактабда яхши ўқиган бола эса, олий ўқув юртида ҳам чуқур илм олади. Малакали мутахассис бўлиб шаклланади. Қарабсизки, мамлакатимиз халқ хўжалиги учун юқори кўникмага эга кадрлар бўлиб етишади.

Айни шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган “Мактабгача таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси маромига етказилиб, Сенатга юборилиш арафасида турибди. Мазкур қонун ҳам соҳани тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Республикамизда ёшларимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқ таълими тизимида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд мактабларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Қурилиш-таъмирлаш, реконструкция қилиш ишлари кенг қулоч ёзди. Янгидан-янги замонавий мактаблар барпо этиляпти. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ҳолати яхшиланаётир. Ҳозирги кунда тизимда дарслик, ўқув-методик қўлланмаларни нашрга тайёрлашда асосий эътибор мазмун, сифат жиҳатидан халқаро талабларга жавоб беришига қаратилмоқда. Ўқитувчи омилига бўлган эътибор кучайтирилди. Ўқитувчи ва мактабгача таълим муассасалари ходимларининг ойлик маоши сезиларли даражада оширилди. Бу эса таълим сифатининг яхшиланишида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 декабрдаги қарори билан 2019 йилда республикамиз бўйича 88 минг 246 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 507 та (шундан 34 та янги қурилиш, 299 та реконструкция қилиш, 174 та мукаммал таъмирлаш) умумтаълим мактабида жами 898,5 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, айни пайтда бу юмушлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда 9710 та умумий ўрта таълим мактаби, 215 та “Баркамол авлод” болалар бадиий ижодиёт маркази, 22 та Меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатмоқда. Мазкур таълим муассасаларида 6 миллион 172 мингдан кўпроқ фарзандларимиз таълим-тарбия оляпти. Уларга 440 мингдан зиёд ўқитувчи ва мураббийлар устозлик қилаётир.

Яратиб берилаётган ана шундай шарт-шароитлар туфайли бугунги кунга келиб, мактабда ўқиётган фарзандларимиз турли хорижий мамлакатларда ўтказилаётган фан олимпиадаларида, халқаро танлов, спорт мусобақалари ва санъат фестивалларида совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида мамлакатимизда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари ташкил қилинади. Яъни ёшларимиз ўз хоҳиш-истаклари асосида халқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича мутахассис-кадрлар бўлиб етишишлари учун яна бир катта имконият берилмоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Олий таълим тизимида жараённи сифат ва мазмунан бойитиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникацияни жорий этиш, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга кўпроқ мустақиллик бериш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Олий ўқув юртларидаги таниш-билишчилик, коррупция каби салбий иллатларга чек қўйиш, уларнинг олдини олиш улар фаолиятида устуворлик касб этмоқда.

Олий ўқув юртларида ишлаётган профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши бир неча баробар оширилди. Уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириш масалаларига эътибор кучайтирилди. Олий таълим муассасалари энг замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Молия масалаларида ҳам уларга муайян эркинликлар берилди. Энг асосийси, боғча тарбиячисидан тортиб, мактаб ва олий таълимда фаолият юритаётган барча ўқитувчиларни турли жамоат тадбирлари, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш қатъий тақиқлаб қўйилди.

Шу ўринда кишини қувонтирадиган яна бир далилга тўхталсак. Ўтган давр мобайнида олий ўқув юртлари, уларнинг филиаллари сони ва олий таълимга қабул кўрсаткичлари кескин ортди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда 40 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 111 тага етди. Жумладан, 2 та академия, 24 та университет, 33 та институт, 1 консерватория, 1 миллий рақс мактаби ҳамда олий таълим муассасаларининг 30 та филиали, хорижий мамлакатларнинг 20 та олий ўқув юрти филиали фаолият кўрсатяпти.

Айни кунларда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида 380 мингга яқин ёшларимиз бакалавриат ва магистратура йўналишида таҳсил олаётган бўлса, уларга 27 мингга яқин профессор-ўқитувчилар сабоқ беряпти.

Эътибор берган бўлсангиз, бугунги кунда мамлакатимизда 1 миллиондан ортиқ фарзандларимиз мактабгача таълим муассасаларига борса, 6,5 миллиондан кўпроқ ёшлар умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Уларга эса ярим миллионга яқин устоз-мураббийлар таълим-тарбия бераётир.

Бу салмоқли рақам, албатта. Демак, тез орада сизу бизнинг сафимизга мустақиллик фарзандлари — кучли билим ва тафаккур, янгича дунёқараш эгалари келиб қўшилади. Янги авлод, янги куч майдонга чиқади. Бугунги ютуқлар ва муваффақиятларимиз бир неча карра зиёда бўлишида навқирон авлоднинг ҳиссаси катта бўлажак. Зеро, уларга давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи катта ишонч билдириб, қўллаб-қувватлаб турибди. Аждодларига муносиб авлод эса халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини, албатта, оқлайди.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, тарих фанлари доктори.**

# ТИЛИ БИРНИ ТИШ АЖРАТОЛМАС

◄1

Замонавий ўнлик саноқ тизими, алгоритм ва алгебра асосчиси Муҳаммад Хоразмий, тўққизинчи асрда Нил дарёси сатҳини ўлчовчи ускунани яратиш орқали бундан деярли 1200 йил бурун инновациявий ишланма яратган Аҳмад Фарғоний, ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамият асослари, мақсад ва вазифаларига оид илмий таълимотни яратган қомусий олим Абу Наср Форобий, таърифлаб ўтиришга ортиқча ҳожат йўқ Ибн Сино, 1000 йил олдин ўзининг математик ҳисоб-китоблари билан коинот марказида Қуёш туриши, яъни гелиоцентризм илмий қараши эҳтимолини олға сурган Абу Райҳон Беруний, ўрта асрлардаги энг мукаммал астрономик асар муаллифи, ўз номидаги академия асосчиси Мирзо Улуғбек ва яна кўплаб даҳоларнинг илмий мактаб ҳамда мерослари Шарқ ва Ғарбнинг неча-неча авлодларига устозлик қилгани, тараққиёт йўлини кўрсатганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Шеърият мулкининг султонлари Низомий, Румий, Навоий, Бобур, Фузулий, Махтумқули, Абай ижоди қанчадан-қанча авлодлар учун маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиб келиши қаторида, халқларимизнинг сўз санъати ҳамда ҳикмат ифодаси бобидаги тенгсиз истеъдоди ва имкониятларини бутун дунёга тараннум этди.

Адабиётларимиздаги устоз — шогирдлик мактабининг неча асрлик умри ҳам айнан мана шу буюк зотлар ибрати билан боғлиқдир. Жалолиддин Румийни илоҳий ишқ куйчиси, буюкликнинг кўз илғамас чўққиси деб улуғлаган Алишер Навоий Низомий Ганжавийнинг форс тилида яратилган машҳур "Хамса"сига жавобан ўзбек тилида илк "Хамса" асарини битди ва "Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ", дея ўз устозига ҳурмат бажо келтирди. Ўз ижоди орқали туркий тилларнинг битмас бойлиги ва бадиий гўзаллигини исботлаб қўйган Алишер Навоий кейинги даврлар барча туркий тилли адабиётлар ривожи учун тамал тоши қўйиб берди.

Тарих, адабиёт, география, ботаника сингари йўналишларни ўзида қамраб олган ва айнан шу мазмунда илк бор ўзбек тилида битилган "Бобурнома" умумжаҳон илмий ва маданий хазинасининг дурдоналаридан бири бўлиши баробарида, туркий тиллардаги битикчиликнинг ғурури ва нодир намунаси ҳамдир.

Ижоддаги устоз — шогирдлик, ўзаро елкадошлик анъаналари илм-фан меросимизга ҳам хосдир. Мирзо Улуғбекнинг суюкли шогирди, буюк математик ва астроном, ўз замонасининг Батлимуси (Птолемейи) саналган Али Қушчи умрининг сўнгги босқичини Истанбулда ўтказгани, Айасофия мадрасасида бош мударрислик, бугунги тил билан айтганда, ректорлик қилгани, математика ва астрономия мактабини яратгани, машҳур турк олими Мирам Чалабийга устозлик қилгани яхши маълум (Али Қушчи 1474 йили оламдан ўтган ва Истанбулдаги Абу Аюб Ансорий мақбарасига кўмилган).

Атоқли озар шоири, хаттоти, наққоши, мусиқашуноси, тор чертиш, қўшиқ айтишда ўз даврининг мумтозларидан бўлган Хожа Абдулқодир Мароғий Амир Темур, Шоҳрух саройларининг кўрки саналган. Кўплаб шогирдлар етиштиришдан ташқари, мусиқа назарияси бўйича бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган асарлар яратган. Унинг 1405 йили Самарқандда битилган "Жоме ал-алҳон" — "Оҳанглар тўплами", 1418 йили, ўша кезларда ўзбек давлати пойтахти Ҳиротда яратилиб, Шоҳрухга бағишланган "Мақосид ал-алҳон" — "Оҳангларнинг қўлланиши" асарларида мақомчилик назарияси тизимли равишда таҳлил қилинган, йигирма тўрт мақом бирма-бир баён этиб берилган.

Маҳмуд Кошғарий қолдирган минг йиллик ҳикмат бор: "тилин тугмишни тишин ёзмас", яъни "тили бирни тиш ажратолмас". Чиндан ҳам, тарих чархпалаги қандай айланишидан қатъи назар, тили, дили бир халқларни бир-биридан ажратиш мумкинмас. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ташаббуслари билан Ўзбекистонимиз Туркий тилли давлатлар кенгашидаги ўз ўрнини тиклаётгани олқишга сазовордир. Гапнинг пўсткалласини айтганда, Туркий тилли давлатлар кенгашини қадим Туркистоннинг юраги саналмиш Ўзбекистонсиз, туркиялик қардошларимиз сўзлари билан айтганда, ота юрт иштирокисиз тасаввур қилиш мумкинми? Албатта, йўқ! Шу билан бирга, бугунги Ўзбекистонни туркий тилли давлатлар, туркий халқларсиз тасаввур қилиш мумкинми? Албатта, йўқ! Негаки, бизнинг илдизимиз, ўзагимиз бир.

XXI аср давлатлари, халқлари аро ҳамкорлик қирралари барчага яхши маълум. Сўнгги уч йил ичида юртимизда бошланган янги сифат босқичи, умуман, халқаро муносабатларимиз, хусусан, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия билан алоқаларимизни ҳам янги сифат даражасига юксалтириб бораётганидан хабардормиз. Иқтисодий ҳамкорлигимиз жадаллик билан ривожланиб кетган эндиги паллада илм-фан ва маданий муносабатларимиз янада жонланиб кетишидан умидимиз катта.

Юқорида урғу берилганидек, илмий-маданий меросимиз ўта бой ва улкандир. Уни янада чуқурроқ ўрганиб, шу тариқа кишилик цивилизациясида мамлакатларимиз эгаллаган ўз ўрнимизни бундан ҳам мустаҳкамлашга қодирмиз. Айниқса, математика, физика, астрономия, кимё, оптика, тиббиёт сингари йўналишлар тарихини илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича жуда кўп ишлар қилишимиз мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракати билан Тошкентда қад ростлаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказидан кўзланган муддаолардан бири ҳам айнан ушбу вазифа билан боғлиқдир.

Асрлар ичра ота-боболаримиз томонидан яратилган ўлмас, қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган, улкан илмий-маданий меросни сақлаб қолиш, кўпайтириш, халқларимизнинг илмий ва маданий тафаккурини Европа, бутун оламга ёйишда Туркиянинг алоҳида ўрни бор, десак ошириб юбормаган бўламиз. Бугунги кунда ушбу юртдаги кўплаб музей, кутубхона, жамғармаларда асраб-авайлаб келинаётган нодир қўлёзма асарларнинг сон-саноғи йўқ. Уларни ўрганишда олимларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги туркий тилли давлатларнинг кишилик цивилизациясидаги алоҳида ўрнини юзага чиқаришда катта ва серқирра аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

> Халқларимиз ўтмишининг турли йўналишларини ўзида акс эттирган ва мамлакатларимизда асраб-авайлаб келинаётган қўлёзма асарлар, музейларимизда сақланаётган маданий мерос ашёларининг рўйхатлари, фиҳристлари тузилса, уларни биргаликда илмий ўрганиш йўлга қўйилса, умумий ва хусусий мавзулардаги теран асарлар тайёрланса, ўзлигимиз ва бирлигимизни янада чуқурроқ англаш баробарида, давлатларимиз ва халқларимизнинг кишилик цивилизациясига қўшган тенгсиз ва катта улушини барчага кўрсатиш, тарғиб этиш имкони туғилиши аниқ.

**Азамат ЗИЁ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси депутати,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

## ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*
## ТАФСИЛОТЛАР

*Ўзбекистонда биринчи маротаба дастурий иловаларни ишлаб чиқиш бўйича мукофот жамғармаси 100 000 АҚШ долларини ташкил этадиган республика танлови бўлиб ўтади.*

### Мукофот жамғармаси 100 000 АҚШ долларига тенг танлов ўтказилади

IT-парк Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида Бирлашган Араб Амирликлари билан биргаликда талабалар орасида Ўзбекистонда давлат мобил иловаларини ишлаб чиқиш бўйича биринчи "mGovAward" республика танлови ўтказилишини эълон қилади.

Талабалар таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, транспорт ва логистика, бизнес ва G2B каби йўналишларда ўзларини синаб кўришлари мумкин.

Танлов иштирокчилари Ўзбекистондаги мавжуд муаммолардан бирини ҳал қилишга ёрдам берадиган мобил илова яратишлари керак бўлади.

### «UzAuto Motors» 1 октябрдан нархларни оширмайдиган бўлди, фақат...

*"UzAuto Motors" АЖ 2019 йилнинг 1 октябридан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан, юртимизда ишлаб чиқарилган янги автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун Республика йўл жамғармасига амалга ошириладиган 3 фоиз миқдоридаги йиғим автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланиши белгилангани ҳақида маълум қилди.*



Жорий йилнинг 1 октябрига қадар дилерлик корхонаси билан олди-сотди шартномасини имзолаган, аммо ҳали автомобилини олмаган харидорлар билан қўшимча келишув имзоланади ҳамда харидор томонидан 3 фоиз тўлов автомобилни қабул қилиб олиш чоғида дилерлик корхонасига тўланиши керак бўлади. Шу билан харидорлардан ички ишлар органларида тўланадиган Республика йўл жамғармасига амалга ошириладиган 3 фоиз мажбурий йиғим олинмаслиги маълум қилинган.

Айтиш жоизки, "UzAuto Motors" АЖ 1 октябрдан эътиборан ҚҚС тўловчисига айланади ва компания томонидан мазкур ҳолат харидорларга ортиқча сарф-харажат ва ноқулайлик келтириб чиқармаслиги учун барча чора кўрилди ҳамда автомобиль нархлари Республика йўл жамғармасига амалга ошириладиган мазкур тўловни инобатга олмаганда ўзгаришсиз қолдирилган.

### Фермер саксовулдан чой тайёрлашни йўлга қўймоқда

*Боғот туманидаги "Олтин қум" фермер хўжалиги саксовулдан чой ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.*

Маълумки, саксовул, қорамиқ ва сўзан ўсимликлари чўл ҳудудларида ўсишга мослашган бўлиб, уларнинг гули ва меваларидан доришунослик соҳасида кенг фойдаланиш имконияти мавжуд.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, саксовул гулидан тортиб оддий шох-шаббаларидан тайёрланган дамлама тинчлантирувчи ва қон босимини пайсайтирувчи хусусиятга эга.

**«Халқ сўзи».**

## Бунёдкорлик

### Хивада яна бир замонавий меҳмонхона фойдаланишга топширилди

*Хоразм вилоятига ташриф буюрувчи сайёҳлар учун яна бир қулайлик яратилди. Хива темир йўл вокзали ёнида халқаро андозаларга мос "Хива Локомотив" меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.*

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан бунёд этилган ушбу меҳмонхона 41 хонага эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида 76 нафар мижозни қабул қилиш имкониятига эга. Миллий ва жаҳон меъморчилиги анъаналарини ўзида уйғунлаштирган меҳмонхонада хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Кўркам иншоот фойдаланишга топширилиши билан 20 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди.

Қайд этиб ўтиш жоизки, бу йил баҳорда Хива шаҳрида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан 70 ўринли меҳмонхона қурилиб, ишга туширилган эди.

Эътироф этиш керакки, ўтган йили вилоятда 13 та янги меҳмонхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Жорий йилда ҳам мазкур йўналишда маҳаллий ва хорижий ташаббускорлар томонидан 100 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

# БАРЧАГА ЗАВҚУ ШАВҚ УЛАШГАН ФЕСТИВАЛЬ

*Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Хивада ташкил этилган "Рақс сеҳри" халқаро фестивали ниҳоясига етди.*

## Санъат

Уч кун давом этган мазкур санъат байрамида Буюк Британия, Италия, Франция, Голландия, Россия, Малайзия, Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Польша, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон каби 20 га яқин давлатлардан рақс санъати усталари қатнашди. Шунингдек, дипломатик корпус вакиллари, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар иштирок этди.

Фестиваль доирасида "Ўзбекистон миллий рақс санъати" фотокўргазмаси, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Театрлаштирилган саҳна кўринишлари, дорбозлар томошалари, Хоразм нонларини тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ва маҳаллий стилистлар томонидан тайёрланган шоу дастурлар барчага бир олам завқу шавқ улашди. Рақс санъати усталари билан ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, сайёр концерт дастурлари уюштирилди. Урганч туманидаги "Ўзбек — Туркман дўстлик уйи"да ўтказилган "Рақс санъатида миллий анъаналарнинг аҳамияти" мавзуидаги илмий-амалий анжуман жаҳон халқлари рақс санъати тарихи ва ривожланиш босқичлари, келгуси истиқболлари ҳақида қизғин фикр алмашув, мунозараларга бой бўлди.



Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Кўҳна Арк майдонида катта гала-концерт ва турли номинациялар ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Ўзбекистоннинг "Лазги", Қозоғистоннинг "Намат", Тожикистоннинг "Зебо" ва Ҳиндистоннинг "Калитрити" ашула ва рақс ансамбллари учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўринни Индонезия рақс жамоаси, "Хоразмрақс" ва Грузиянинг "Руставри" жамоалари эгаллади. Биринчи ўрин Польша ва Туркманистон рақс жамоаларига насиб этди. Озарбайжонлик раққослар жамоаси эса халқаро фестивалнинг Гран-при мукофотига сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом, пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Таълим

### Ёш олимларимиз Германия тадқиқот институтларида малака оширади

*Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Германиянинг Таълим ва тадқиқотлар бўйича федератив вазирлиги ҳамкорликда пухта тадқиқот режасига эга ўзбекистонлик 14 нафар ёш олимни Германия тадқиқот институтларида икки ҳафта давомида малака оширишлари учун саралаб олди.*

2019 йилнинг 31 августига қадар 86 нафар номзод ушбу дастурга қизиқиш билдириб, онлайн тарзда ариза топширган эди. Ҳужжатлар инновацион ривожланиш вазирининг германиялик юқори мартабали маслаҳатчиси Карстен Хайнц бошчилик қилган, вазирлик мутасадди ходимларидан ташкил топган комиссия томонидан кўриб чиқилди ва танлов мезонлари асосида баҳоланди. Натижаларга кўра, танловнинг иккинчи босқичига таклиф қилинган 22 нафар ёш олим суҳбатдан ўтказилди. Синовдан муваффақиятли ўтган 14 нафар ёш олимга грант дастури бўйича малака оширишлари учун йўлланма берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЕР ИСЛОҲОТИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ЭҲТИЁЖЛАРИГА МОСМИ?

*Ер ресурсларидан фойдаланишда жамият ҳамда иқтисодиёт эҳтиёжларининг мос келиши муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги даврда биринчи галда ерларни маъмурий тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тамойилидан иқтисодий тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш тамойилига ўтиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, ернинг капитал сифатидаги инвестициявий функциясини ошириш, унинг ижараси ва томорқа майдонларига эгалик ҳуқуқларини ислоҳ қилиш, иқтисодий асосларини кучайтириш, фермер хўжаликларида ердан фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳам айни муддаодир.*

## Долзарб мавзу

Қайд этиш керак, айни пайтда мамлакатимизда ушбу йўналишда муайян ишлар бажарилмоқда. Лекин таҳлиллар ҳали қилиниши лозим бўлган юмушлар ҳам талайгина эканлигини кўрсатмоқда. Хўш, бу нималарда намоён бўлмоқда? Масалан, республикамизда шу пайтгача ер ислоҳоти, асосан, қишлоқ хўжалигига молик майдонлардагина амалга оширилган. Шунингдек, ерни солиққа тортиш ва ижара ҳақи олиш тамойиллари эскилигича қолиб кетган, ушбу йўналишдаги органларнинг ваколат ва мажбуриятлари аниқ қилиб белгиланмаган. Бундан ташқари, мазкур соҳа учун кадрлар ҳам танқис.

Жаҳон амалиёти ер ресурслари давлат тараққиёти учун энг муҳим манба эканлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ердан фойдаланишда нафақат давлат томонидан тартибга солинувчи, балки бозор талабларини ҳам ҳисобга олувчи замонавий тизим, концепция яратилиши зарур. Яъни бу борада махсус концепция ишлаб чиқилиб, унда, аввало, ердан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатига эътибор қаратилиши керак. Шунингдек, ер рентасининг барча турини ҳисоблаш, солиқ солиш тизимини такомиллаштириш, ипотека тизимини ривожлантириш, ҳудудлар тараққиётига инвестиция қилишнинг тартиби ҳамда шартларини аниқлаш, ердан фойдаланишнинг минтақавий тизимини жорий қилиш (Фарғона водийси, Зарафшон водийси ва бошқалар) кабилар инобатга олинса, мақсадга мувофиқдир.

Албатта, уни бирданига амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун бир қатор махсус дастурларни қабул қилиш талаб этилади. Уларни тайёрлашда эса давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, умуман, соҳага дахлдор барча ташкилотлар таклифлари инобатга олиниши керак.

Бундан ташқари, концепциянинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилиши зарур. Яъни ушбу йўналишдаги ислоҳот, биринчи навбатда, Ер кодексининг янги таҳририга таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга, "Ҳудудларни ривожлантириш тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Давлат ер мулкини ажратиш тўғрисида"ги, "Тупроқ унумдорлиги тўғрисида"ги, "Ерларни баҳолаш тўғрисида"ги, "Шаҳар ва бошқа аҳоли яшаш жойлари ерлари тўғрисида"ги қонунларга ҳам эҳтиёж сезилади.

Концепцияда барча ерлар мулк шакли ва қайси мақсадда фойдаланишидан қатъи назар, мониторинг объекти ҳисобланишига урғу берилади. Чунки экология туфайли унинг чўлланиши, эрозияси, унумдор қатламининг бузилиши, шўрланиши, ботқоқланиши ва яйловларнинг деградациялашуви каби жиддий хавфлар ортмоқда. Шунингдек, концепциянинг комплекс тадбирлари таркибида ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни таъминловчи, давлат ер кадастрини юритувчи ва ер ресурсларини самарали бошқариш тизимининг бошқа йўналишларини қамраб оладиган ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил қилиш (ер тузиш) ишлари муҳим ўрин тутмоғи лозим. Негаки, бизда ҳозирги кунда шу каби омилларни ўз ичига олган комплекс ер тузиш ишлари амалга оширилмаяпти.

Қолаверса, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳудудларни комплекс ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқ жараён. Яъни барча муҳандислик-коммуникация тармоқларини ҳудудий жиҳатдан оқилона жойлаштириш, пировардида нафақат ер, балки бошқа ресурслардан ҳам янада самарали фойдаланишга олиб келади. Шу нуқтаи назардан, бизнингча, ер ресурслари ва улар билан технологик, ижтимоий, ишлаб чиқариш жиҳатидан узвий боғлиқ бошқа ресурсларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ривожлантириш (ташкил этиш) масалаларида таъсирчан ягона сиёсатни амалга ошириш мақсадида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини Ер ресурслари ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш вазирлигига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, бундай вазирликлар Сербия, Голландия, Финляндия, Украина, Латвия каби мамлакатларда, "катта еттилик" ва "йигирматалик" давлатларида мавжудлиги хорижий тажрибаларни ўрганиш имконини беради. Агар давлат кадастрлари ер ресурсларидан фойдаланиш ва ҳудудларни ташкил қилишда ахборот ресурси вазифасини бажарса, геодезия, картография ишлари уларнинг техник асосини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу вазифаларни иқтисодий ўсиш жараёнларига уйғунлаштириш учун ер ресурслари билан чамбарчас боғланган ҳудудий хусусиятлар ва имкониятларни самарали сафарбар қилиш, ишлаб чиқарувчи кучларни нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки техник ва технологик нуқтаи назардан ҳам тўғри жойлаштириш юзасидан энг самарали қарорларни қабул қилиш зарур. Сабаби тармоқлар ва корхоналарни хом ашё, инфратузилма объектларига, бозорларга, аҳоли яшаш жойларига нисбатан нотўғри жойлаштириш эвазига биргина транспорт ва бошқа инфратузилма харажатлари маҳсулот таннархида 30 фоиз, баъзи ҳолларда ундан ҳам ошиб кетиши иқтисодиётимиз рақобатдошлигини пасайтирмоқда. Ушбу ҳолатлар, айниқса, собиқ иттифоқ вақтида қурилган корхоналарда кузатилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан яқинда Қорақалпоғистон Республикасига ташриф давомида ҳар бир туманнинг алоҳида ишлаб чиқариш ва иқтисодий йўналишлари белгиланиши ҳам иқтисодиётни ҳудудий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш лозимлигини англатади. Шу ва бошқа асослар айни вазирликни ташкил қилишни тақозо этади.

Мамлакатимиз жадал, самарали ва рақобатдош бўлиб ривожланишини таъминлаш адекват тарзда ер ислоҳотининг жамият ҳамда иқтисодиёт эҳтиёжларини таъминлаш вазифаларига мос келиши билан бевосита боғлиқ. Зеро, ер бебаҳо неъматдир. Ўзбекистоннинг ресурсларга бойлиги уларни ҳисоб қилмаслик, тежабтергаб тасарруф этмаслик, дегани эмас. Аксинча, ер ресурслари асосий миллий бойлигимиз сифатида мамлакатимиз барқарорлиги кафолати, манфаатлар ва эҳтиёжларнинг энг ишончли омили бўлиши учун бу борада тизимли, комплекс ҳамда назорат қилинувчи аниқ чораларни кўриш лозим.

**Абдурашид АЛТИЕВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори.**

# КАТО КЮДЗО — ЎЗБЕКЛАРНИНГ ЯПОН ОЛИМИ

*Ўзбекистоннинг япониялик фидойи дўсти ва жонкуяр олими — атоқли археолог, антрополог, тарихчи ва этнограф, машҳур ўзбекистоншунос олим Като Кюдзо ҳақиқий халқ дипломати, илм-фаннинг том маънодаги қомусий билимдони ва тарғиботчиси, моҳир таржимон ҳамда публицист, 20 га яқин илмий тадқиқот, кўплаб китоб ва мақолалар муаллифи бўлган.*



## Хотира — муқаддас

Япон олими Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига доир кўплаб илмий асарлар яратган. Унинг “Ипак йўли чорраҳаларида”, “Евросиё цивилизацияси бўйлаб саёҳат”, “Ўрта Осиёнинг буюк шахслари”, “Далварзинтепа шаҳристони” каби китоблари, “Ойхонум” монографияси шулар сирасига киради.

Айниқса, Като Кюдзонинг жаҳонга танилган ўзбекистонлик қадимшунос олимлар — академиклар Яҳё Ғуломов, Галина Пугаченкова, Эдвард Ртвеладзе ҳамда таниқли археологлар Шокир Пидаев ва Баҳодир Турғунов билан илмий ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этди. Кейинчалик улар ўртасида чин дўстлик муносабатларининг ўрнатилиши ўзбек — япон илмий алоқалари мустаҳкамланишида ўзига хос омил бўлди.

У Ўзбекистон олимлари қаламига мансуб “Қадимги Панжикент”, “Кўҳна Хоразм” сингари бир қатор китобларни, шунингдек, машҳур шарқшунос А. Якубовскийнинг Самарқанд тарихига бағишланган ҳамда Л. Альбаумнинг Афросиёбдаги тасвирий санъат намуналари тавсиф этилган асарларини япон тилига таржима қилган ва Японияда нашр этишга бош-қош бўлган.

Япон олими XX асрнинг 60-йилларида ўзбек археология мактаби асосчиларидан бири академик Галина Пугаченкова билан танишган. Натижада Марказий Осиё минтақасининг тарихий юраги ҳисобланган Ўзбекистон билан ўз ватани ўртасидаги тарихий-маданий ва маънавий-маърифий алоқалар илдизларини ўрганишга бўлган қизиқиши ортган.

Като Кюдзо, бир томондан, Япониянинг “Олтин нурли муқаддас хазина” ордени совриндори, Сока университети ҳамда Япония Миллий этнология музейи фахрий профессори бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти — “Дўстлик” ордени соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси, ЎзФА Санъатшунослик институтининг фахрий доктори ҳисобланади. Бу бежиз эмас.

Чунки атоқли япон профессори узоқ йиллар давомида юртимизда археологик қазишма ишлари билан шуғулланган. У Ўзбекистон тўғрисидаги кўплаб илмий ишлар муаллифи, мамлакатимизнинг ҳақиқий дўсти бўлган.

**Олимнинг илмий қизиқишлари кўлами ниҳоятда қамровдорлиги билан ажралиб туради.**
**Хусусан, Като Кюдзо бир пайтнинг ўзида:**

- *рус — япон муносабатлари ҳамда Узоқ Шарқ ва Сибирь тарихи;*
- *Ўрта Осиё археологияси;*
- *Қадимги ва Ўрта асрлар тарихшунослиги ҳамда Ўзбекистон маданияти ёдгорликлари;*
- *географик кашфиётлар тарихи;*
- *тарихчилар, географлар ҳамда сайёҳларнинг ҳаёти ва фаолияти йўналишларида изчил илмий тадқиқотлар олиб борган.*

Бу ҳақда сўз юритганда, Като Кюдзо ўтган асрнинг 60-йилларида Ўзбекистонга илк бор ташриф буюрганини қайд этиш лозим. Ўшанда у ўз устози, машҳур япон ёзувчиси Ясуси Иноуэ (1904 — 1991 йиллар) билан бирга Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларда бўлган. Ўша даврдан эътиборан у ўлкамизнинг қадимий бой тарихига катта қизиқиш билдириб, япон — ўзбек ҳамкорлигини фаоллаштириш тарғиботчисига айланган.

Като Кюдзо 40 йилга яқин вақт мобайнида Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар ўтказган. Като Марказий Осиё тарихи ва маданиятига оид бир қанча асарларга муаллифлик қилган. Ўзбекистон Фанлар академияси ва мамлакатимизнинг бошқа бир қатор илмий институтлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борган.

Ўзбекларнинг япон олими ҳар хил илмий лойиҳаларда фаол қатнашган. Кўп йиллар давомида Далварзинтепа ва Қоратепа, Фаёзтепа ҳамда Кампиртепа шаҳарлари харобаларидаги будда ёдгорликларини ўрганиш мақсадида уюштирилган халқаро ўзбек — япон археологик экспедициялари тадқиқотларига раҳбарлик қилган. Унинг тадқиқотлари натижалари Ўзбекистон тарихи бўйича мактаб дарсликларида ҳам ўз аксини топгани диққатга лойиқдир.

Япон олими она тилидан ташқари, ўзбек, рус, инглиз, француз, турк тилларидаги китобларни бемалол мутолаа қилган. У ўзининг барча шогирдларидан ўзбек тилини мукаммал ўрганишларини талаб қилган экан. Бу талабини Като шундай изоҳлаган: **“Ўзбек тилини билиш, бу — барча тилларга калит топиш, туркий тилларни билиш эса, бу — демак, Буюк Ипак йўли эшигини очиш билан баробар”**.

Като аввалига истиқлолгача ва мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизга 100 мартадан кўпроқ сафар уюштирган. Охир-оқибат шу ерда яшаб қолган, юртимизнинг фахрий фуқаросига, ўз одамимиз, ўз олимимизга айланган.

Мамлакатимиз қадимий шаҳарлари тарихини берилиб ўрганган, шунингдек, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқалар ривожига катта ҳисса қўшган япониялик машҳур олим ўзбек халқини севар эди. У ушбу заминни ўзининг иккинчи Ватани, деб атарди ва шу замин бағрида мангу қўним топди.

Като Кюдзо 2016 йил 12 сентябрда, 95 ёшида Термиздаги қадимий ибодатхонада археология-қазишма ишларини олиб бораётганида вафот этган. У ўз васиятига кўра, Термизда дафн қилинган. Халқимиз атоқли ва ардоқли япон олимини ҳеч қачон унутмайди. Мўътабар Като бобонинг хотираси доимо ёдимизда.

Хулоса ўрнида айтганда, Като Кюдзо Ўзбекистон билан Япония давлатлари ва халқлари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақида ҳамиша шундай деб таъкидлашни хуш кўрган: **“Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлик имкониятлари ниҳоятда кенг, янада муҳими, худди шу ҳаётий воқелик келажагимизга ҳам дахлдордир. Модомики, китобларим халқларимизни яқинлаштиришга хизмат қилар экан, бундан бошим осмонга етади”**.

Бугунги кунда Като Кюдзонинг ҳаёти тарихда қолди. Устознинг китоблари эса муаллифнинг эзгу ишларини давом эттирмоқда, яъни мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига ва халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

**Акмал САИДОВ,**
**академик.**

## Молия муассасаларида

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси тадбиркорлар билан бевосита учрашиб, уларнинг ишбилармонлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида амалий ёрдам кўрсатмоқда. Хусусан, унинг Жиззах вилояти бўлими томонидан ҳудуддаги бир қатор тадбиркорларга кредит ажратилиши нафақат улар ишига унум бағишлади, балки ўнлаб одамлар бандлигини таъминлашда ҳам қўл келди.*

# ТАДБИРКОРЛАР ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНЯПТИ

Хусусан, ўтган йили “New Nerud” масъулияти чекланган жамиятига 3 миллиард 700 миллион сўм кредит ажратилиши билан бу ерда тош, оҳактош ва қум маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун зарур ускуналар Эстониядан, экскаватор эса Жанубий Кореядан келтирилди. Жорий йилда жамият фаолияти янада кенгайтирилди. Бунда ҳам банкнинг Хитойдан 2 та “ZL50GN” русумли юклагич, 4 та “Shaanxi Tonly TL875B” русумли юк автомашинаси сотиб олиш учун маблағ бергани айни муддао бўлди. Қолаверса, яна 20 та иш ўрни яратилди.

Гигиеник қоғоз ва салфеткалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Paper Napkins” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам вилоят саноатида ўз ўрни бор. Бунда жамият ва молия муассасаси ўртасидаги ишончга асосланган ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, жорий йилда мазкур корхонага Европа тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 131 минг 500 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Ўз навбатида, ушбу сармояга Хитойдан замонавий асбоб-ускуналар харид қилинди. Бу ерда ҳам бизнес режага асосан режалаштирилган 10 кишининг бандлиги таъминланди.

Жиззах вилоятида банк билан ҳамкорлик қилаётган бундай тадбиркорлик субъектлари кўп. Улар қўлга киритаётган муваффақият ва кўрсаткичлар эса салмоқли. Шулардан яна бири “Nurli To‘lqin Servis” масъулияти чекланган жамиятидир. Корхона, асосан, юк ташиш билан шуғулланади. Ушбу жамиятга ҳам бўлим томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредити ҳисобидан 714 минг доллар миқдорида сармоя тақдим этилиши ва унга Хитойдан 25 та замонавий юк ташиш техникаси келтирилиши иш унумдорлигини янада оширди.

Ҳозир корхонада 86 киши меҳнат қилмоқда. Улар томонидан кўрсатилаётган сифатли транспорт хизматига нафақат Жиззах, балки бошқа вилоятлардан ҳам буюртмалар кўпаймоқда. Демак, тадбиркор ташаббуси, молия муассасаси билан ҳамкорлик ўзини оқлаяпти.

**Ж**орий йилнинг сентябрь ойига қадар “Ўзмиллийбанк” Жиззах вилояти бўлими томонидан хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобидан 17 мижозга 19,39 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредитлар ажратилгани, 980 юридик ва жисмоний шахсларга 300,6 миллиард сўмлик маблағ тадбиркорликни ривожлантириш учун берилгани, натижада 1960 дан зиёд иш ўринлари яратилгани диққатга сазовордир.

Умуман олганда, жорий йилнинг сентябрь ойига қадар “Ўзмиллийбанк” Жиззах вилояти бўлими томонидан хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобидан 17 мижозга 19,39 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредитлар ажратилгани, 980 юридик ва жисмоний шахсларга 300,6 миллиард сўмлик маблағ тадбиркорликни ривожлантириш учун берилгани, натижада 1960 дан зиёд иш ўринлари яратилгани диққатга сазовордир. Эътиборлиси, ушбу кредитлар эвазига, асосан, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий ускуналар сотиб олиниб, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайтирилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозир бўлим мижозлари хорижий молия институтлари томонидан таклиф этилган 15 турдаги кредитлардан самарали фойдаланаётир. Бу мамлакатимизда бизнес юритиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар меваси, албатта. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бундай ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга доим тайёр.

**Банк матбуот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

ТАДБИР

*Инновацион ривожланиш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги Инновациялар ва бошқарув ечимлари лабораториясида экскурсион хизматларни ривожлантириш бўйича ташаббускор ишчи гуруҳининг таклифлари муҳокама қилинди. Унда, шунингдек, Ўзбекистондаги гидлар билан боғлиқ муаммолар ва уларни ечиш йўллари ҳам атрофлича таҳлил этилди.*

# ТУРИЗМДА ГИДЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАМ МУҲИМ

Муҳокамаларда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги масъул ходимлари, сайёҳлик фирмалари раҳбарлари, гидлар қатнашди.

Ҳудудлар бўйича табақалаштирилган солиқ ставкаларининг юқорилиги, меҳнат шароитлари, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, сайёҳларни ташиш, хавфсизлик, меҳнат ҳақи масалаларидаги мавжуд муаммолар кўриб чиқилди. Шунингдек, гидларга сайёҳларни ташиш хизматини қўшимча фаолият тури сифатида киритишга рухсат бериш таклифига ҳам эътибор қаратилди. Бунда минивэн бўлганидагина лицензия берилиши кераклиги қайд этилди.

Учрашувда гидларга таълим бериш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунда бозор талабларини инобатга олган ҳолда, сайёҳлик компанияларини жалб қилиш, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш лозимлиги айтилди. Экскурсоводлик бўйича услубий қўлланмаларнинг мавжуд эмаслигини инобатга олиб, уларни ўзбек тилида ҳам яратиш лозимлиги таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Инвестор: Ўзбекистон томон назар!**

**4 000 иштирокчи, нозик саволлар, халқаро маърузачилар, Молия вазирлигининг иқтисодий прогнози ва бошқалар сизни ушбу кенг миқёсли тадбирда кутмоқда.**

- **Сиз бизнес эгасимисиз?**
- **Стартапни ишга туширмоқчимисиз?**
- **Инвестор ёки шерик қидиряпсизми?**

Президент Фармонига биноан, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистонда бир қатор катта ўзгаришлар рўй беради: халқаро молиявий тузилма, янги Солиқ кодекси, инвестицияларни жалб қилишнинг инновацион усуллари шулар жумласидан.

**Фақат 26 сентябрь куни Халқлар дўстлиги саройида:**

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакиллари,
- Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги вакиллари,
- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги вакиллари,
- Марказий Осиё иқтисодий форуми экспертлари,
- Технологиялар ва стартаплар бўйича экспертлар

Ўзбекистоннинг 2020 йил учун иқтисодий прогнозлари бўйича фикр билдирадилар.

Агар сиз ушбу янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз ва ўтиш даврининг муҳим жиҳатларини ўзингизга сингдирмоқчи бўлсангиз, у ҳолда махсус ташкил этилган «Инвестор: Ўзбекистон томон назар!» деб номланган халқаро конференция Сиз учун.

Конференция стартаплар, **тадбиркорлар, иқтисодчилар ва Сиз** учун манфаатли бўлади.

Конференциянинг мақсади — бизнес саводхонлигини ошириш ва халқаро иштирокчилар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

Сиз бизнес очмоқчимисиз, инвесторни жалб қилмоқчимисиз ёки стартап компаниялар қандай хатоларга йўл қўйиши ва қандай қилиб уларнинг олдини олиш мумкинлиги, мансабдор шахслар келгуси йилда ЯИМ (ялпи ички маҳсулот) ўсиши истиқболлари ҳақида нима дейишини билмоқчимисиз?

**Ариза қолдиринг ва барча ўзгаришларни янгича қараш билан кўриб чиқинг!**

**Тадбир ҳақида:**

ўтказиш жойи: Халқлар дўстлиги саройи;
сана: 2019 йилнинг 26 сентябрь куни соат 9.00 дан 18.00 гача;
ташкилотчилар: «Profi Training» бизнес мактаби ва Инновацион ривожланиш вазирлиги.

**Мурожаат учун телефонлар: 71-200-24-27, 90-957-24-27.**

765Ј/

**ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ**

**2019-2020 йилги умра мавсумининг зиёратчилари учун тўрт валентлик, бир дозалик «ACYW-135» менингококк вакцинаси ва мавсумий грипп вакцинасини сотиб олиш учун тендер эълон қилади.**

*Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

*Маълумот учун телефон: 71-240-18-58.*

762Ј/517

**«C and H Industry» МЧЖ ХК**
**Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг**

***Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:***

*Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).*
*Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).*

**Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.**

**VOLVO махсус қурилиш техникалари**




***Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.***

**Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.**

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Бeлариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.
www.motoblok.uz t.me/motoblokuz
416Ј/

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6